



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 228 (8968).

1986 йил 30 ноябрь • якшанба •

Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВ билан Р. ГАНДИНИНГ биргаликдаги матбуот конференцияси



СУРАТДА: матбуот конференцияси пайти.

Ю. ЛИЗУНОВ, А. ЧУМИЧЕВ телефотолари. (ТАСС).

ДЕХЛИ. 28 ноябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан Хиндистон Республикаси Бош министри Р. Гандининг биргаликдаги матбуот конференцияси бўлди.

Р. Ганди матбуот конференциясини очиб, бундай деди: Бош секретарь жаноблари! Хонимлар ва жаноблари! Дўстлар!

Бош секретарь М. С. Горбачевнинг Хиндистонга визити иккинчи томонлама муносабатларимизда жуда катта босқич бўлди, деб ҳисоблайман. Бу визит мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд астахкам давлат муносабатларини тасдиқлади.

Биз муфассал муҳокама ўтказдик. Бу муҳокама, чамаси, ўн соат давом этди. Визитнинг юзма-юз учрашувлари миз самимият ва ишонч вазиётида ўтди. Айни вақтда министрлар ва делегацияларнинг бошқа аъзолари ўрта-сидан муҳокама бўлди. Бу визитнинг якунилари икки томонлама алоқалар учун, региондаги барқарорлик учун ва, ахтирмоқчи, энг муҳими, — бутун дунёда тинчлик учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Визит чоғида биз мушта-рак манфаатлар мавжуд бўлган кўпгина соҳаларни, айниқса тинчлик, ядровий қуролсизланиш ва тараққиёт масалаларини муҳокама қилдик. Кеча биз Бош секретарь билан бир қанча ҳужжатларни имзоладик. Деҳли декларацияси шу ҳужжатлар орасида энг муҳими, де-сан бўлди. Унда ядросиз ва зўравонликсиз дунёнинг принциплари баён этилган.

Биз иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимини, янги консуллик конвенциясини, иккала мамлакатда фестиваллар ўтказиш тўғрисидаги протоколни имзоладик. Визит якунилари юзасидан қўшма баёнот чиқарилди.

Бу битимлар Хиндистон—Совет дўстлигига хос бўлган куч, етуклик, барқарорлик ва ўсишчанликдан далолат беради.

Деҳли декларацияси — тарихий қўламдаги ҳужжатдир. Вақт ўтиши билан унинг халқаро аҳамияти тобора кўпроқ орта беради. Унда озодлик, тенглик ва куч ишлатмаслик асосидаги халқаро муносабатларнинг принциплари баён этилган. У ҳамкорлик ва тинчлик руҳидаги жаҳон икбийи жараянига катта ҳисса қўшади.

Биз ўз муносабатларимиз тарихида энг йирик иқтисодий битим туздик, бу битим бир қанча янги лойиҳаларни, шу жумладан кўмир ва нефть хусусидаги лойиҳаларни ўз ичига олади. Бу битимда иккинчи янги ҳиҷат бор: у маҳаллий манбалардан пул билан таъминланади ва объектлар тўла-тўқис битимга таъминланади.

Биз ўзаро савдо-сотиғимиз 1992 йилгача 2,5 баравар ортади, деб шартлашиб олдик. Биз иқтисодий ҳамкорликнинг янги соҳаларини, янги шакллари ўрганамиз. Бизнинг экономика министри билан СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. М. Каменцев бу масалани муҳокама қилишни давом эттиришди.

Биз фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлигимизга сифат жиҳатидан жадаллик бахш этишга ҳам қарор қилдик. Биз бу соҳага мутлақо янги ҳиҷат ендашамиз, десак бўлади. Илгор технологиялар соҳасида биргаликда тадқиқотлар ўтказиш назарда тутилмоқда, шундан кейин биз шу технологияларни биргаликда ўзлаштиришга ўтишимиз мўлжалланган.

Бош секретарь М. С. Горбачевнинг бизнинг мана шу жиҳатларни ўз ичига қўриб чиқиш учун СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук бошчилигида Хиндистонга делегация юбориш тўғрисидаги таклифи мизга рози бўлди. Сўнгра, делегация ишларини натижа-лар асосида биз навбатдаги қадамларни қўямиз.

Бу визит зўр мамнуният туйғусини уйғотмоқда. У Хиндистон — Совет муносабатлари даражасини тубдан юксалтиришни билдиради, деб умид қиламан.

Ҳозир эса мен Бош секретарь М. С. Горбачевга сўз

бермоқчиман. У Хиндистонга биринчи марта келди. Бироқ, афсуски, мамлакатимиз билан батасил таниша олгани йўқ. М. С. Горбачев мамлакатимизга яна келиб, Хиндистонга муфассалроқ қўриш имкониятига эга бўлади, деган умиддамиз.

М. С. Горбачев. Муҳтарам Бош министр жаноблари! Муҳтарам хонимлар ва муҳтарам жаноблари! Ўртоқлар ва дўстлар!

Шуни айтишим керакки, Сиз, Бош министр жаноблари, менинг вазифамни осонлаштирдигиз ва айни вақтда қийинлаштириб ҳам қўйдигиз. Асосий раппи айтиб бўлдимиз. Мен бир неча мулоҳазаларни, ҳатто бир неча сўзни айтиш билангина чекланиб, Сизнинг гапларингизга тўла-тўқис қўйиш-шимни айтиб қўя қолсам бўлади. Аммо бу нарса ўшбу учрашувда ҳозир бўлган журналистларни қаноатландирмаган бўлур эди, деб ўйлайман.

Визитнинг муҳити ҳақида гапирмоқчиман. Бу муҳит яхши, дўстона, самимий бўлди. Сўхбатлар рўй-роқлик ва чуқур ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. Бу эса биз ҳам Совет Иттифоқи учун, ҳам Хиндистон учун ўзаро диққат сазовор бўлган кўп-дан-кўп муаммоларни муҳокама қилишга имкон берди.

Бизнинг ҳозирги визити-миз Совет Иттифоқи билан Хиндистон ўртасида узоқ

вақтдан бери давом этиб кел-ётган самарали ҳамкор-лик йўлидаги босқичлардан биридир. Назаримда, бу ўринда ҳамма нарса равшан, одатдан ташқари ҳеч нарса йўқ; чунки бизнинг алоқаларимиз доимий ва чуқурлашиб борувчи алоқалардир.

Бироқ бу визитнинг ўзига хос хусусиятлари бор, мана шу хусусиятлар ҳақида гапирмоқчиман. Бу хусусиятлар, аввало, мамлакатлари-мизнинг ички тараққиёти билан боғланган. Совет Иттифоқи ҳам, Хиндистон ҳам ўз тарихий тараққиёти-нинг шундай катта даврига кирдирилди, энди улар ўз олди-ларига катта мақсадлар, катта вазифаларни қўйди-ларки, бу ҳамкорлигимизга ис-батан ҳам бошқача талаблар қўйиш табиий. Биз дўстлар орасида одат бўлганидек, бир-биримизнинг фикр-ўйларини мизнинг эътиборга олишимиз керак, зеро биз қадимий ўртоқлар ва шерикларимиз.

Мамлакатларимизнинг ички тараққиёти нуктадан назар-данга гапирадиган бўлсак, яна бир хусусият бор: Совет Иттифоқида ҳам, Хиндистон-да ҳам раҳбарлар ўзгарди. Ўтган авлодлар муносабатла-римизда вужудга келтирган нарсаларни сўқиб қўйиш билангина қифолланмасдан, шу билан бирга муносабат-ларимизни олға силжитиб, ўз ҳиссамизни қўшишга и-тилийиш, бу муносабатларни чуқурлаштиришни, ҳамкор-

ликнинг янги шакллари-ни қидириб топишни ҳам ўз ва-зифамиз деб билишимиз ху-су-сида биз билан Бош ми-нистр жаноблар ўртасида яқдил бир фикр вужудга келди.

Ҳозирги визитнинг яна бир хислати бор. У мазкур визит ўтказилган халқаро ва-з-ият билан боғланган. Биз бу вазиёт хусусида шу кун-ларда ўз фикримизни, ўз му-лоҳазаларимизни айтдик. Бу фикр ва мулоҳазалар сиз-ларга маълум. Дунёдаги ва-з-ият тақозоси билан Совет—Хиндистон ҳамкорлиги каби омил — қудратли, зўр халқ-аро аҳамиятга молик бўлган шу омил дунёда янада кў-проқ, янада зўрроқ куч билан янгирайдиган бўлиши зарур.

Шу кунларда биз ўзимиз ўтказаятган сиёсат учун, биз ҳозиргача бўлганидек, тинчликни мустаҳкамлаш, я-ро рушнинг олдини олиш манфаатларини қўлаб, ҳам-жиҳатлик ва мустақиллик а-сосида қўйилган қадамла-римиз учун ўз халқларимиз олди-дагина эмас, шу билан бирга барча мамлакатлар-нинг халқлари олдида, бу-тун дунё олдида ҳам ўз масъулиятимизни ҳис этдик.

Мен айтиб ўтган хусусият-лар бу визитнинг айни шун-дай ташкил этилиши ва ўти-ши боисини тушуниш им-конияти беради, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

Мусобақа кундалиги

ТЕЖАЛГАН ПУЛ

КЎПАЙЯПТИ

Йил охирида Олмалик кон-металлургия комбина-ти руҳ заводининг меҳнат-кашлари 160 минг сўмлик хом ашё, материал, электр энергияси, ёқилғи тежади-лар.

Бу ерда январнинг даст-лабки кунлариданоқ тежаб-терган учун социалистик мусобақа авж олдириб, юбо-рилди. Завод партия комите-ти ҳузурида махсус штаб ту-зилди. Наваторларнинг ҳам-ма энг самарали таклифлари дарҳол ишлаб чиқаришга жорий этилиб турди.

Заводда пландан ташқари юзлаб тонна мис, сульфат кислотата тайёрланди. Соци-алистик мажбуриятларнинг бошқа бир муҳим банди — давлат Сифат белгисини ол-ган маҳсулот ишлаб чиқариш мажбурияти ҳам бажарилди.

Коллектив Октябр рево-люциясининг 70 йиллигига беш йиллик яқин йили про-граммасини бажариш мажбу-риятини олди.

ятти машинасолари ташаб-бусини қувватлаб чиқариш-дан фахрланамиз. — дейди трансформатор заводи каса-ба союз комитетининг раиси Ш. Эрматов. — Чунки бу ташаббус ўзбек халқида қа-димдан анъана бўлиб кела-ётган ҳашарнинг худди ўси... Биз ҳам корхонами-да бу усулдан аввалдан фойдаланиб келардик. Ма-салан, заводимиз атрофида ободончилик ишларини ҳа-шар йўли билан амалга оши-рганмиз. Ҳашар билан по-ликлинника тикладик, бола-ларимиз учун пионер лаге-ри бунёд этганмиз. Заводи-миз маъмурий биноси фа-садини ҳам дам олиш кун-лари ҳашар йўли билан бе-заганмиз.

Завод меҳнаткашлари-нинг олдида яна талай ре-жалари бор. Улар болалар боғчаси, маданият саройи қуриш, дам олиш зонасини кенгайтиришдек катта иш-ларни мўлжаллаб туришиб-ди. Бир сўз билан айтганда, корхона меҳнат қилаётган ҳар бир ишчининг иш ша-ронтини янада яхшилаш учун ҳаракат қилмоқда.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ҲАШАРНИНГ ХУДДИ ЎЗИ

ЧИРЧИКЛИКЛАР Волжск автомобилсозларининг соци-ал-маданий объектлар қури-лишида 4 кун ишлаб бериш ташаббусини кенг қўлаб-қувватламоқдалар. Бугунга қадар шахарликларнинг 70 минг ишчи кунга ана шун-дай объектларда ўтказилди. Ҳозиргача шу йўл билан амалга оширилган бунёд-корлик ишлари 600 минг сўмликдан ортиқроқни тап-кил этапти.

Шаҳардаги «Электрхим-пром» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиқча чи-дамли металллар комбинати, 160-қурилиш трести, «Чир-чиксельмаш» ва трансфор-матор заводлари коллектив-лари бу ишда намуна қўр-сатмоқдалар.

— Биз корхонамизнинг пешқадам ишчиси, КПСС XXVII съезди делегати Л. Н. Павлухинанинг шаҳри-мизда биринчи бўлиб Толь-

БИРГАЛАШИБ ҚУРИШДИ

Тошкент бадий буюмлар фабрикасида дам олиш ва психологик енгиллашти-хоналари ишлаб бошладилар. Бу ерда телевизорлар, янги га-зета ва журналлар, гаройиб балиқлар билан аквариум-лар, ҳар хил гуллар, фонтан бор. Хонанинг девор ишлар-ни ганчорлик нақшлари би-лан, қоғозлар билан бе-затишди.

Фабрика ишчилари авто-заводликлар ташаббусини қувватлаб, бу хоналарни ўз кўчлари билан барпо этди-лар. Бу ерда қарийб ҳамма бригадалар, инженер-техник ходимлар бўш вақтларида график билан ишлайдилар. Фабриканинг рассомлари хоналарни бе-заб чиқардилар. Ҳов-ли халар қилиб ободонлаш-тиришди, гулзорлар барпо қилинди, ҳар хил дархат қў-чатлари ўтказилди. Энди коллектив фабрика кафе-териясини қуришга киришди.

(ЎзТАГ).

ДАВЛАТ ҚАБУЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ?

ИШГА МУНОСАБАТНИ ЎЗГАРТИРАЙМИК

«Таштекстильмаш» заводи цехларида тайёрлана-ётган маҳсулотлар Иттифоқимиз оша 33 та чет эл мамлакатига ҳам жўнатишмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами йил сайин кенгайиб, хил қўлайи бораёпти. Тўқимачилик, озиқ-овқат, пахта тозалаш санаяти корхоналари учун чиқарилаётган замона-вий машиналарнинг ҳаммасида «Таштекстильмаш» белгиси бор. Тайёрланаётган машиналарнинг барча-си бюртимчиларга маъқул бўлаётгани, улар си-фатига эътирозлар йўқми? Давлат қабулига ўтишга ҳозирлик даврида қандай муаммолар туғилаётти, уларни бартараф этиш юзасидан қандай таклифлар туялаётти? Бу саволларга қуйидагича жавоблар ол-дик.

✽ Александр ПИВКИН, заводдаги давлат қабули хизмати раҳбари:

— ЯҚИНДА Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митетида бўлиб ўтган ке-н-гашида республика санаяти-нинг давлат қабули шаро-итида ишлашга тайёргарлиги масаласи қўриб чиқилди. Ке-н-гашида давлат қабулига сўст тайёргарлик қўраётган бир қатор корхоналар қаторида «Таштекстильмаш» заводи ҳам тилга олиб ўтилди. Мен шу корхонада 21 йилдан бе-ри бош метеоролог бўлиб ишлаб келган эдим. Танқид менга жуда ҳам қаттиқ таъ-сир қилди.

Ҳақиқатан ҳам корхона-миз давлат қабулининг жорий этишга жуда ҳам кечикиб қиришди. Ваҳоланки СССР Енгил, озиқ-овқат ва маи-

ший приборлар машинасо-з-лиги министрининг тармоқда давлат қабулининг жорий этишга тайёргарлиги бўйича буйруғи июнь ойида чиққан эди. Бу гапдан ишчилар ав-густ ойи охирида хабар-дор бўлишди. Буйруқ ҳамма цех раҳбарлари ва мутахас-сисларга етказилди-ю, аммо ижроси устидан назорат ўр-натилмади.

Буйруқ бўйича октябрь ойи давомида маҳсулотнинг 30 проценти, ноябрда 50 процент, декабрда эса 80—90 проценти давлат қабули-га топширилиши лозим эди. Лекин бу вазифалар бажари-лмай келяпти. Шу кун-гача бир процент маҳсулот ҳам бизнинг қўлдан ўтмади. Давлат қабулига тавсия этилган маҳсулотлардан кам-чиликлар топилиб, қайта иш-лаш учун цехларга қайта-рилди. Бу кетилда январь

ойида ҳам давлат қабулининг жорий этилиши амри маҳол. Корхонадаги давлат қабу-ли хизмати кадрлари 15 ки-шидан иборат бўлиши керак. Ҳозирча 11 киши танлаб олindi. Уларнинг аксарияти олий маълумотли мутахас-сислардир. Ҳозир давлат қа-були хизмати ходимлари белгиланган цехларда ўз иш-ларини бошлаб юбордилар. Лекин ходимларимиз учун шу кунгача алоҳида хоналар ажратилмаган, иш давоми-да маълум муаммолар пай-до бўлиб қолса, йиғилишиб муҳокама қиладиган жойи-миз йўқ.

Яқинда дастлабки маҳсу-лотларни қабул қилмоқчи бўлдик. Лекин қайта иш-лашга муҳтож қисмлар кўп экан. Шундан кейин мута-хасисларни йиғув цехига тўплаб, мажлис ўтказишга мажбур бўлдик. Маҳсулот қабул қилишдаги янги усул талабларини уларга яна бир бор тушунтиришга тўғри кел-ди.

✽ Николай ЖИГАЧЕВ, 3-механика цехи фрезерчиси:

— ЯНГИ усулнинг афзал-ликларини ҳаммамиз тушу-ниб турибмиз. Давлат қабу-лининг жорий этилиши маҳ-сулот сифатини кескин оши-ради, ҳар бир машина жаҳон стандартлари даражасида бў-

лади. Лекин бунинг учун, энг аввало иш қўроқлими-соз бўлиши керак. Ҳозир биз ишлаётган силлиқловчи, кесувчи, тўрт шпинделли ста-ноклар аллақачон ёшини яшаб бўлган. Уларнинг тиш-лари едрилиб, геометрик аниқлиги йўқолган. Бундай станокларда аниқ деталлар ишлаб чиқариш жуда ҳам қийин.

Бунинг устига тор жойда кўп иш бажаришга тўғри кел-япти. Цехимиз катта ҳам-ли деталлар ишлаб чиқара-ди. Станоклар эса бир-бири-га жуда ҳам яқин қилиб қў-йилган. Бош айланса тана айланмайди. Бу ҳол ҳам одатнинг эркин ишлашига йўқ қўймайди, маҳсулот си-фатига салбий таъсир қила-пти.

✽ Қудрат АБДУЛЛАЕВ, катта мастер:

— ҲОЗИР биз эски ста-нокларнинг ҳар бирини қай-та текширувдан ўтказаял-миз. Тишлари чарчланаяпти, геометрик аниқлиги қайта тикланаяпти. Шундай йўллар билан агрегатлар умрини яна бироз узайтиришга, тайёрла-наётган деталлар сифатини оширишга муваффақ бўлаел-миз. Ишчиларнинг ишга бўлган муносабати ўзгара-япти.

Қасб маҳоратини ошириш

ҳам муҳим муаммодир. Тех-ника ўқувчи бўлими ҳар йи-ли кўплаб кадрлар етказиб берапти. Ёшлар учун олти ойлик курслар ташкил қи-линган. Ёшларни тажрибали ишчиларга бириктириб қўй-илмиз. Е. Плотников, А. Тол-кунов каби мураббийлар ўз-лар маҳоратини ошириш-га ердан бераёттилар. Пар-тия йиғилишларида улар ўз шоғирдлари бажараётган ишлар ҳақида ҳисоб бериб турибдилар.

Цех партия ташкилоти хи-собида 37 коммунист бор. Улар мураббийлик ҳаракати-да актив иштирок этмоқда-лар. Коллективнинг мавжуд қийинчиликларини бартараф этишга ўргатмоқдалар, янги усулнинг афзалликларини ҳар бир киши онгига синг-диarmoқдалар.

Биз баҳонадан кўра кўп-роқ имконият қидиришимиз керак, имконият эса ҳамма жойда бор. Ишга ўз муно-сабатимизни ўзгартириши-миз, ишчилар онгини қайта қуришимиз керак.

✽ Рафиқ НОДИРОВ, завод партия комитетининг секретари:

— КОРХОНАМИЗ цех-ларида дастлабки йиғирув-тўқув машиналари тайёрла-

на бошлаганига 45 йилдан ошди. Ўша даврда ўрнатил-ган усулларнинг бир қис-ми ҳали ҳам бор. Имкони бўлса мавжуд станокларнинг 40 проценти янгилаш вақ-ти келди.

Тўғри, кейинги пайтларда заводнинг станок паркни ишлатиш бўйича маълум ишлар қилинди. 44 та ра-камли бошқарув станогини ўр-натилди, 2 та қайта ишлаш маркази монтаж қилинди. Янги йилдан валларни қайта ишловчи замонавий станок-лар олинди, реконструкция ва янги корпусларни қуриш-га киришилди. Бу тадбир-лар, албатта, маҳсулот сифа-тига ижобий таъсир қўрсат-май қолмайди.

Янги йилдан бошлаб дав-лат қабули тўла жорий эти-лади. Маҳсулотларни топ-ширишда янгица усулга ўтиш жараёнида бир қатор қийин-чиликларга дуч келмоқда-миз. Сир эмас, илгари ялли маҳсулот учун кураш кетар-ди. Сифат эса эътибордан четда қоларди. Янги ким кўп маҳсулот ишлаб чиқар-са шунча кўп ҳақ оларди. Бу тартиб ишчиларнинг қон-донига сингиб кетган эди. Энди эса талаб бошқача қўйилляпти. Ишчининг меҳ-натига у тайёрлаб чиқараёт-ган маҳсулот сифатига қа-д-раб баҳо беришмоқда. Бу жуда ҳам одил талабдир. Ўтмайдиган моллар энди ҳеч кимга керак эмас. Оза-ки — сиёсий агитация кадр-лари ўз сўхбатларида ишчи-лар онгини қайта қуришга, уларни янгица фикрлашга ўргатишга ҳаракат қилмоқ-

ЎЗБЕК СЎЗНАЛАРИ— ХОРИЖГА

ТОШКЕНТ. «Марквардт» (ГФР) фирмаси гуллар ва нақшлар тикилган кўркам сў-зана-ларнинг катта туркуми-ни сотиб олди. Бу маҳсулот-ни Тошкент бадий буюм-лар фабрикасининг усталари тайёрлашган, сўзана гуллар-ларнинг рассом Николай Ва-сильевич Нам яратган. Рас-сом ижодининг хусусияти шундаки, у замонавий буюм-лар яратишда қадимий тас-вирий услубларни моҳирона қўлайди. Бу йил у бошчи-лик қилаётган коллектив ҳалқ ушлубида гул тикилган хотин-қизлар сумкаси ва нимчаси, болалар кийимлари комплектининг бежирим мо-делларини ишлаб чиқди. Бу маҳсулотлар ишлаб чиқари-ла бошланди.

(ЎзТАГ).

КУЗГИ ГАЛЛА МАЙСАЛАРИ

ПАРКЕНТ. Район деҳқонлари кузги галла экиш ланини ба-жардилар. Планди 5720 гек-тар ўрнига 5834 гектар май-донга буюд, 1161 гектар ер-га арпа сепилди.

Айни кунларда «Паркент», «Коммунизм», «Бўстон» сов-хозлари дала-ларида галла майсалари кўзга ташланиб қолди.

М. МИРКАМОНОВ.

(Боши 1-бетда).


Совети ижрияра комите-
райси Назарали Ашир-
ев, — бундан буён ҳам
территориямиздаги ҳа-
нинг ҳамама жаҳъларига
бурч ва масъулияти-
ни ҳис этган ҳолда ик-
соний ва социал-маданӣ
аларни комплекс ри-
лаштириш учун ўз вако-
литидан тўла фойдала-
рамыз.

А. ЯҲДОШЕВ.

ларнинг ўзлари шуғул-
моқдалар. Масалан, 8 та
ки маҳалла комитети хо-
норларда бўладиган турли
ни, тўй-ҳашам ва бошқа
осимларни ўтказишни
орат остига олган. Нати-
а эски уф-одатлар ўрни-
давраг мос ихчам, наму-
ни маросимлар эгалла-
да.

— Биз, — дейди киш-
Совети ижроия комите-
траиси Назарали Ашир-
ев, — бундан буён ҳам
территориямиздаги ҳа-
нинг ҳамма жабҳаларига
бурч ва масъулияти-
ни ҳис этган ҳолда иқ-
дий ва социал-маданий
ларини комплекс ри-
лантириш учун ўз вако-
лимиздан тўла фойдала-
ерамиз.

А. ЙҮЛДОШЕВ.



Текинхўрга шафқат йўқ!

СИРЛИ ДАРВОЗАНИНГ СИРИ ОЧИЛДИ

ТУЙТЕПА автобус паркиннинг шундоққина рўпарасида бир дарвоза бор. Кейинги пайтда бу дарвоза сирли очилиб, епиладиган бўлиб қолди. Рейсдан кеч қайтган ёки ўзини тийишга кучи етмайдиган айрим ҳайдовчилар, шунингдек яқин атрофда яшовчиларнинг айримлари шу дарвозадан ичкарига киришиб, баъзилари тамшаниб чиқади, айримлари эса қўйиларини қаппайтириб чиқади бўлиши.

Бу хонадонда бўлаётган сирли ишлар олабаста ички ишлар бошқармаси БХСС бўлимининг ходимларидан Тўраев ва Қаймовларнинг ҳам қизиқтириб қолди. Улар ҳалқ дружиначилари билан ҳамкорликда ишга киришдилар. Хонадон соҳибаси Маҳфуза Иброҳимова кўчадан арақ

— Биз айтавериб қарчаган эдик, — деди АТП директори Ф. Ҳасанов. — Бир неча бор оғохлатиришимизга қарамай, хонадон оғалари қинғир ишни давом эттираверинди.

Йўқ, бу иш узоқ давом этиши мумкин эмас эди. Қилиш-қидирмиш деганларидек, сирли дарвозанинг сирини очилди. Энди текин даромад пайига тушган арақфурш қилини учун ҳалқ суди олдида жавоб беради.

У. ҲАМИДОВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ХИЗМАТ ЎРНИГА САНСАЛОРЛИК

Хурматли редакция! Матбуот саҳифаларида аҳоли хизматига қамарбаста бўлиб, кўпчилик оқилишни олаётган турли касб ағалари ҳақидаги хат-хабарларни ўқиб қирамиз. Ўз касбининг устали, хушфел ва ҳожира, воё бундай замондошларимиз билан ҳақдан равишда фарқланамиз. Афсуски меҳнат қўлига қалам тутказган воқеада бунинг тамомини ақс бўлди. Ердам сураб мурожаат этган техника хизмати станцияси ходимлари ҳолатининг чиқариш ўрнига етти ойдан бўён сарсон қилиб, тинчаним кўриштиди.

Воқеанинг тафсилоти қуйидагича: йўл тасодифларга тўла — 1986 йилнинг май ойида Ж 31—55 ТН номерли «Москвич—412» енгил автомашинанинг биринчи кун рулга ўтирган ҳайдовчи бехосдан уриб юборди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларини бузганлиги учун ремонт харажатларини ўз зияминга олгач, Юнусободдаги 18—СТО га келдик. Ремонт ҳақи 1,252 сўм деб белгиланди. Уста Валерий Рикнер машинани ўн беш кун ичда «қўғирчоқ»дек қилиб беришини айтди. Ўшанда негадир қантантия ёниш, наряд тузиш ҳақида лом-мим деб оғиз очилмади.

Ҳангомининг қизғин ани шундан бошланди. 21 майда ремонтга тошширган «Москвич»нинг тузалишидан дарак бўлавермагач, уч ой деганда корхона директори қабулга кирдик. У арз-ҳодимни тинглагач, усталини койган бўлди. Сўнгра елкамга қорқиб:

— Гапининг ўғил боласи — машинанингизнинг калитини 10 сентябрга кунин шахсан қўлимдан олиб кетасиз, — деди.

Р. БИКБОВЕВ, Республика автомобиль ва автохотаскорлар жамиятига қарашли Тошкент шаҳар автомобиль мактабининг ўқитувчиси.

● «ТАШСЕЛЬМАШ» заводининг Умрбек Букаев бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси аъзолари зарбдор меҳнат ваҳтасида туриб ишлаб, мусобақада пешқадамлар сифида бормоқдалар. Корхонанинг бош йиғуви ҳақида меҳнат қилаётган бригада ёшлари кўнандан ҳар кун ХНП-1.8 маркали 18—20 та машина чиқмоқда.

Суратларда: (чапда) илғор йиғувчи Н. Смирнов ва бригада бошлиғи У. Букаев ўртоқлар.

А. Минин фотолари.

БУЛАР ҲАҚИДА КАМ ЕЗИЛАДИ

ХОНАДОНЛАРНИ ЧАРОҒОН ЭТИБ

«КОММУНИЗМ» совхозда уларни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. Бу ҳурматларнинг боиси бор.

Тоҳир Раҳматов йиғирма йилдан бўён шу хўжаликда электромонтер. У шу ишга қадр топди. Уни бемалол ўз ишининг сир-асорларини бекам қўст билади, десак алашмаган бўламиз. Йилнинг барча фаслида яришиб ималигини билмайди. Унинг учун сутканинг ҳамма соати бир хил.

Монтерлар кўп. Улар ҳар бир қишлоқда бор. Уларга кўп ҳам ишнинг тушмайди. Биринчи кўнаниш, шомол туриб қолса ёки бошқа сабаблар туфайли ишқилиқлар чиқса монтерларни аслайди. Тоҳир хизмат қилаётган участкаларда бундай ишқилиқлар қамдан-қам содир бўлади.

Раҳмат Қўрбонқуловнинг ҳам шу касбини танлаганига ўн йилча вақт бўлди. Ишга виждондан ёндашиш, ўз бурчини юксак даражада аниқлаштириш унга ҳам шуҳрат келтирди.

— Энг аввало ишни севиш керак. Шундагина сени бошқалар ҳам ҳурмат қилади, — дейишди бир овоздан электромонтерлар.

Ишга ҳалол ёндашиш, қамтарлиқ, тошпирларнинг ҳақида баъжариш ҳар иккала монтерга хос хислатлардир.

Г. УМАРОВ, Галаба райони.

ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ер табиатининг энг нодир инъоми, барча бойликлар манбаидир. Коммунистик мулкчиликни асос қилиб, СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилиши, табиийки, ердан қанчалик оқилона, самарали фойдаланишимизга боғлиқдир. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини изчил жорий этиш, интенсив технология имкониятларини оқилона ишга солиб ишлаш даркор. КПСС XXVII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган областнинг қишлоқ хўжалиги меҳнатқилари кейинги йилларда бу соҳада бир қанча тадбирларни амалга оширишди.

Ҳозирги пайтда областнинг қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 15 та район ўртасида тақсимланган бўлиб, бу районлардан 9 таси пахтачилик билан, 6 таси сабзавотчилик билан ва сабзавотчилик билан шугулланган.

Сугориладиган майдонлардаги пахтачилик районлари ҳиссаси 75 процент ер тўғри келади. Областа 110 та колхоз, 10 та хўжаликлар арор тақсирот, 97 та барча системага мансуб совхоз, 188 та ердамчи хўжалик ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шугулланган давлат хўжаликлари мавжуд. Буларга 1037,9 минг гектар ер бирикитилган бўлиб, шундан 765,1 минг гектар қишлоқ хўжалигига яроқли, жумладан, 413,1 минг гектар сугориладиган ер ҳисобланади.

Эскидан сугориб келинаётган ер зоналарида янги масивларни ўзлаштириш асосан тугалланган. Янгидан сугориладиган масивлар эса Чотқол ва Қурама тоғлари этакларига қўзилган бўлиб, бир қисми қуриётган Перкент канали ва Охангарон сув омборига қўриб қалади. Бу майдонларда асосан кўп йиллик даракларини ўстириш қўла тутилмоқда.

Шундай қилиб, кейинги беш йил ичда областа 15 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги оброотида киритилди. 18,4 минг гектар майдонда наптал текислаш ишлари олиб борилди. 33,3 минг гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Сугориш тармоқ-

ларини реконструкция қилиш ва насос станциялари қуриш йўли билан 37,1 минг гектар майдонни сув билан таъминлаш анча яхшиланди. 113 километрдан ортиқ сугориш каналлари бетон ётқизилди.

Халқимизда ер — ҳазина, сув — олтин, деган нақл бор. 1986 йилда сув бир мунча тақчил бўлди. Ана шунинг ҳисобга олиб қўшимча манбалардан фойдаланиш юзасидан бирмунча ишлар қилинди. Коллектор ва зовур тармоқларида 1400 тадан ортиқ насослар ишлади. Буларнинг ердамда 280 куб метргача сув чиқарилиб экан майдонларда тақсимлаш мумкин бўлди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ақилларини сугоришда 142 та артезиан қудуқларидан ҳам фойдаланилди.

Бу йил ерларни текислаш, мелiorатив ҳолатини яхши-

гектарга кенгайтирилди. Илғор хўжаликларнинг тажрибаси оммалаштирилиб, ортиқча йўллар, сугориш шаҳобчаларини йўқотиш ишларини давом эттириш, карта четлари, ер бурчакларини қўшиб ҳайдаш, тепаликларни суриш, чуқурликларни тўлдириб текислаш ҳисобига ҳам қўшимча ерлар очилмоқда. Натижада сугориб ҳайдаладиган майдон шу йилнинг ўзига 570 гектарга кенгайди.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам ернинг қадрига етиб, эъзозланмапти. Айрим хўжаликларда экан майдонларининг шўр босиб кетишига йўл қўйилмоқда. Бунга Бўна районидagi «Кремль» совхозидagi аҳвол мисол бўла олади.

Хўжаликда кейинги йилларда мелiorация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмади. Натижада 600 гектар майдонни кучли шўр босди. Бу ерлардан оли-
наётган ҳосил йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Бекобод районидagi «Далварин» совхозида ҳам ана шундай аҳвол рўй бераётган. Сабаби ана шу хўжаликка туташ Тожикистон ССРнинг Матчо району юқори зоналари бўйлаб-ястаниб ётган ерларни ўзлаштириш ва сугориш ишлари жадал олиб борилаётгани учун сизот сувлари кескин равишда юзга кўтарилиб, оқибатда шўр чиқиб кетмоқда. Бу муаммонини ҳал қилиш йўллари кидириш керак.

Областимиз колхоз ва совхозларида ишлаб чиқаришга фан ва илғор тажриба ютқуларини жорий этиб, интенсив технология омилини кенг амалга ошириш, илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экинни ўзлаштириш юзасидан қилинаётган ишлар ҳам ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бунга мисол қилиб 257,0 минг гектар майдонда шу кунгача 1183 та алмашлаб экиш ўтказилганлигини айтиш мумкин. Бу ҳайдаладиган барча

майдонларга нисбатан 87 процентини ташкил этади.

Бугунги кунга келиб 30 та хўжаликда алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилди. 50 та хўжалик эса бу ишни низоюсига етказиш арафасида. Бу соҳада Чиноз, Бекобод, Охангарон районлари яхши кўрсаткичларга эришди. Масалан, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхоз жорий этилган барча алмашлаб экинни тўла ўзлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинларидан йилдан-йилга мўл ва барқарор ҳосил олмақда.

Бу йил колхоз республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди. Лекин айрим районлар ва хўжаликларда алмашлаб экинни ўзлаштириш даражаси областнинг ўртача кўрсаткичларидан анча орқанда қолаётганини айтиб ўтиш керак.

Тупроқни сув ва шомол эрозиясидан ҳимоя қилиш ҳам муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Чиноз, Бўна, Янгийўл ва Бекобод районларида бу соҳада бирмунча ишлар олиб борилди. Масалан, 1985 йилда Бекобод району хўжаликларида 40 гектар майдонга ихота дараклари ўтқизилди.

Тупроқни сув ва шомол эрозиясидан сақлаш мақсадларига 1394 минг сўм капитал маблағ сарфлаш қўла тутилган. Ховир ана шундан атиги 846 минг сўми ўзлаштирилди. Бу соҳадagi ишларни жадаллаштириш ҳам ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Бир сўз билан айтганда областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнатқилари гектарлар самарадорлигини ошириш юзасидан партия ва ҳукуматни кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш учун бундан бўён ҳам ишчи олиб борадилар. Бу соҳада йўл қўйиб келинаётган камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, муаммонларни биргаликда, қўлбўлаб ҳал этиш учун ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилади.

У. ТУХТАҲҲАЕВ, област агросаноат комитети ер тузилиши ва табиати муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

Н. ХОЛДОРОВ, мелiorация бўлимининг етакчи мутахассиси.

диган майдонларни кенгайтиришдаги муҳим резервлардан ҳисобланади. Мутахассисларимизнинг ҳисобига қараганда областимизда ана шундай майдон 2,5 минг гектарни ташкил этади. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, агросаноат комплекси ходимларининг вазифаси ана шу майдонларни яқин вақтлар ичда ҳосилдор ерларга айлантиришдан иборатдир. Бироқ айрим министрилик ва идоралар бу муҳим масалага етарли эътибор бермаётганлар. Натижада катта давлат аҳамиятига эга бўлган иш гоятда сустлашиб қолган бўлиши мумкин. Бўна масада эндигина 240 гектар майдон маданийлаштирилиб, колхоз ва совхозларга қайтариб берилганлигини қандай баҳолаш керак?

Тупроқни сув ва шомол эрозиясидан сақлаш мақсадларига 1394 минг сўм капитал маблағ сарфлаш қўла тутилган. Ховир ана шундан атиги 846 минг сўми ўзлаштирилди. Бу соҳадagi ишларни жадаллаштириш ҳам ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Бир сўз билан айтганда областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнатқилари гектарлар самарадорлигини ошириш юзасидан партия ва ҳукуматни кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш учун бундан бўён ҳам ишчи олиб борадилар. Бу соҳада йўл қўйиб келинаётган камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, муаммонларни биргаликда, қўлбўлаб ҳал этиш учун ҳамма чора-тадбирлар амалга оширилади.

У. ТУХТАҲҲАЕВ, област агросаноат комитети ер тузилиши ва табиати муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи.

Н. ХОЛДОРОВ, мелiorация бўлимининг етакчи мутахассиси.

Г. УМАРОВ, Галаба райони.



● УРТА ЧИРЧИҚ районидagi «Северный маяк» колхозини деҳқонлари қузни қишқи дала ишларини уюш-
қоқлик билан ўтказмоқдалар. Хўжаликда ерларни келгуси йил ҳосили учун

тайёрлаш сифатли олиб боришмоқда. Бу агротехника тадбирлари 135 гектар майдонда пахта, 53 гектар майдонда қаноп пояси еттишти-
риб келаётган 3-бригадада, айниқса, намунали ташкил

этилган. Суратда: ҳар кунини 8—10 гектар майдонни сифатли шудорлаётган пеш-
қадам механизатор Абдура-
им Раҳмонов.

А. Мальцев фотоси.

ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТ ТУЗИЛДИ

КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ пенсционерларни ишлаб чиқариш ва иқтисодий-сиёсий фаолиятга яхшироқ жалб этиш, беш алоқдан тарбиялаш ишда, ветеранларнинг меҳнат, ҳаёт ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишда уларнинг

янада актив қатнашишларини таъминлаш мақсадида мамлакатда уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифок ташкилоти тузилмоқда. Бу ташкилот ишлайётган ҳамда фахрли дам олишда бўлган уруш ва меҳнат ветеранлари — пенсционерларни ихтиёрий равишда бирлаштириди. Ташкилот ўз ишчи ветеранлар жамоатчилигини таъминлаш ва муваққил фаолияти асосига қуради. Айни кунларда уруш ва меҳ-

нат ветеранлари Тошкент об-
ласти ташкилотини тузиш иш-
лари ҳам олиб боришмоқда. Шу мақсадда ташкилий коми-
тети тузилди. Унинг составига уруш ва меҳнат ветеранлари, илғор ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, партия, совет, комсомол ташкилотларининг ва-
ликлари киритилган. Область партия комитетининг секретари Ш. З. Камол-
хўжаев ана шу ташкилий коми-
тет раиси қилиб тасдиқлан-
ди.

АҚШда 28 миллиондан ортиқ негрлар яшайди. Улар мамлакат аҳолисининг 12 процентини ташкил этмайдилар. Негрларнинг 10 миллионга яқини катта шаҳарлардаги геттоларда истиқомат қиладилар. — Негрлар геттога — Америка жамиятининг ана шу марзаси тўғрисида гапирганда унинг пайдо бўлиши бевосита америкаликларнинг ўзларига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак, — деб таъкидлайди француз журналисти Николь Бернхейм. У «Монд» газетасининг муҳбири сифатида Америкада бир неча йил ишлаган эди. Унинг мақолаларидан бири таржимасини қисқартирган ҳолда газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.

60-йиллардаёқ, яъни Жонсон президентлиги қилган вақтда, негрлар геттосини аста-секин йўқ қилишнинг узоқ муддатга мўлжалланган программаси ишлаб чиқилган ва кенг пропаганда қилинган эди. Унда социал ёрдам кўрсатиш, бола-лар, ўқув ва табиий муассасалар қуриш, қора танли аҳолига ишқилдор бериш назарда тутилган эди. Бироқ программани амалга оширилмасдан ва ҳеч қандай самара бермасдан унутиб юбордилар.

Президент Рейган ўз ўтмишдошларидан ҳам ўтиб тушди. Унинг фикрича «Қора Америка» муаммасы умуман йўқ, у аллақачон ҳал қилинган, социал программалар эса текинхўрлар сонининг кўпайишигагина ёрдам беради. Агар улар қисқартирилса ёки умуман бекор қилинса янада яхшироқ бўларди, зероки негрлар иш қидирган ва уни топган бўлардилар. «Президентнинг ва-
жи жуда тутуруқсиздир, — деб ҳисоблайди Николь Бернхейм. — Шунинг учун ки, кўпчилик негрлар қандайдир бир мансабни эгаллаш учун элементар тайёр-
гарликка эга эмаслар. Ҳатто уларнинг кўпчилиги ин-
глизча тўғри гаплашишни билмайдилар. Улар ўзаро ўзига хос шевада, — «блек

инглиш» шеvasида бир-бирлари билан мулоқотда бўладилар. Бу мутахассис филологлар учун қизиқарлидир. Лекин меҳнат бозорида бундай яроқсиздир».

Америка жамиятида «қора

фильмлар декорацияларига кўпроқ ўхшашиди. Қўчаларда ахлат ва чинкидилар уйилиб ётади, деворлари ён-
гина ёки ҳақиқатини оқмас-
ликдан манфаатдор бўлган ки-
шиларга шундай деб ҳис-
облашлари мумкин, — ёзади Николь Бернхейм. — Америкада яшаганимда бу масала билан кўп шугуллан-
дим. Шунинг айтишини мум-
кин, айрим воқеалар, ҳо-
дисалар бўлиб туриши мум-
кин. Лекин у битта-ишотдан ошмайди. Чунки бун-
дай «хўзув» қилиш жуда қимматга тушади. Ваҳолан-
ки ерталлаб уйқудан турган кўпчилик қора танли аме-
рикаликлар бугун қорни тўй-
ни энг кўп истеъмол қилув-
чиси эканлиги назарда тути-
лади. «Бу проблема билан етарли таниш бўлмаганлар-
гина ёки ҳақиқатини оқмас-
ликдан манфаатдор бўлган ки-
шиларга шундай деб ҳис-
облашлари мумкин, — ёзади Николь Бернхейм. — Америкада яшаганимда бу масала билан кўп шугуллан-
дим. Шунинг айтишини мум-
кин, айрим воқеалар, ҳо-
дисалар бўлиб туриши мум-
кин. Лекин у битта-ишотдан ошмайди. Чунки бун-
дай «хўзув» қилиш жуда қимматга тушади. Ваҳолан-
ки ерталлаб уйқудан турган кўпчилик қора танли аме-
рикаликлар бугун қорни тўй-

киши бор, уларнинг сони муттасил ошиб бормоқда. Наркотиклар билан савдо қилувчилар ўз нафратбоз-
ликлари негрларни асосан ки-
ши мақсадини қўзлаб катта хоҳиш билан жалб қилади-
лар. Негрларнинг геттолари «қонундан ташқари» яшайди, шунинг учун ҳам ажал то-
варини сақлашнинг энг хавфсиз жойларидан бири ҳисобланади, инкинчидан негрларга кўп ҳақ тўлаш шарт эмас. Ҳақиқатан ҳам умидсизликка берилган геттода яшовчилар арзима-
ган чойчага учун энг хавф-
ли ишларни қилишга ҳам тайёрдилар. Қўли эгри савдо-
гарлар эътиборидан бола-
лар ҳам четда қолмайдилар. Йиририн бизнесда бола-
лардан фойдаланишни шу бил-
ан изоҳлаш мумкин, маса-
лан, Нью-Йорк штатида фақатгина 16 ёшга етган-
ларгина жиноий жавобгар-
ликка тортилади. Кўпчилик қора танли америкаликлар учун пул ишлашининг бу йў-
ли ағона даромад манбаи ҳисобланади.

Агар негр ишга жойлаш-
гудек бўлса, унинг бу ишдан маҳрум бўлиш аҳтимоли оқ-
таиллариникига нисбатан ик-
ки-уч баравар кўдир.

«Негр геттолари, — ёзади Николь Бернхейм, — қаш-
шоқлик, очлик, маҳкумлиқ воқеаларидир. Уларнинг аҳоли сўнгги йилларда кес-
кин отирилади ва кун са-
йини мушкуллаштириб бормоқда. Бундай муаммонни ўз-ўзидан ҳал бўлиши мумкин деб ишонини калтабинликдир. Бироқ у қандай аянчли бўл-
масин, қўзни очиб ва гетто-
лар портлаш юз бериши учун биттагина учқун етар-
ли бўлган динамит эканли-
гини пайқаш керак».

(АПН).

Капитализм иллатлари

ҚОРА АМЕРИКА 20 ЙИЛДАН СЎНГ

Америка айрим яшайди. Оқ танли америкаликлардан аксарият кўпчилик бу ҳақда реал тасаввурга ҳам эга эмас. Бунчалик хабардор, сизиликнинг сабаби шундаки, оқ танлилар геттода ҳеч вақт пайдо бўлмадилар, дагина эмас (бу, айниқса, тунгити вақтда ҳақиқатдир), аслида эса аччиқ ҳақиқатга тўғри қараш учун истак-
нинг йўқлигидадир.

Тасаввур қилинг-а, шаҳарнинг қоқ марказида ярим хароба уйлари бугун кварталлари бор. Улар уй-
жойлардан кўра қўрқинчи

лишга ва бошқа жойларда иш қидиришга мажбур бў-
лмоқдалар. Чунки қонун он-
лада иккала ота-она бўлса, улар ҳатто ишсиз қолса ҳам, бундай оилаларга социал ёр-
дам кўрсатишни назарда ту-
тмайдилар. Негр оилалари ажралиб кетади. Уни қайта-
дан тиклаш учун ҳаммаининг ҳам ҳаёти етармайдир. Ел-
гиз оналар оилаларининг 40 процентдан ортиқроғини таш-
кил этади.

Гибевандлик негрлар гет-
толарида жуда авяига чиқ-
қан ҳисобланади. Бунда қо-
ра танли халқ наркотиклар-
ши таъинишида бўлади. Нар-
котика бизнесининг асосий қорчалонлари, уларнинг ми-
нжозлари ҳам оқ танли аме-
рикаликлардир».

Сўнгги йилларда АҚШда наркотиклар билан савдо қи-
лиш энг улкан коммерция қор-
хоналаридан бирига ай-
ланди. Фақатгина Нью-Йорк-
да яширин фибригарликлар-
нинг пул обороти 60 милли-
ард долларни ташкил этади (солиштириш учун шунинг ай-
тиш керакки, шаҳар бюджет-
и 20 миллиард доллардир). «Ходимлар» штатида эса 300 минг нафардан ортиқ

